

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА САВДО СИЁСАТИ

Турдиев Мадийёр Маманазарович

Чирчиқ давлат педагогика университети

Аннотация: *Ушбу мақолада туризм соҳасидаги халқаро савдо сиёсати ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилиб чиқилган. Шу билан биргаликда, туризм соҳасидаги тўлов баланси, туристик хизматлар экспорти ва импорти орасидаги фарқлар ўргалилиб чиқилиб, туризм соҳасининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар келтирилиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *Туризм, халқаро савдо, тўлов баланси, экспорт, импорт, хизматлар соҳаси, Жаҳон туризм ташкилоти.*

Abstract: *This article analyzes the international sound policy in the field of tourism and the factors affecting it. At the same time, differences between the balance of payments in the tourism sector, the export and import of tourist services are studied, and the factors affecting the development of the tourism sector are presented.*

Key words: *Tourism, international trade, balance of payments, export, import, service sector, World Tourism Organization.*

Аннотация: *В данной статье анализируется международная обоснованная политика в сфере туризма и факторы, влияющие на нее. При этом изучены различия между платежным балансом в сфере туризма, экспортом и импортом туристских услуг, представлены факторы, влияющие на развитие сферы туризма.*

Ключевые слова: *Туризм, международная торговля, платежный баланс, экспорт, импорт, сфера услуг, Глобальная туристская организация.*

Туризм кўпгина давлатларда аҳолининг маълум бир қисмини иш билан таъминлайдиган, шу билан бирга иқтисодийга маблағ келтирадиган тармоқ ҳисобланади. Сайёҳлик нафақат юқорида кўрсатилган фикрлар, балки тарихий ва маданий меросни ривожлантиришга, халқаро майдонга чиқишга имкон яратади. Сайёҳлик бундан ташқари, яхши экологик вазиятни сақлашга, атроф-муҳитни соғломлаштиришга, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва халқнинг маънавий қадриятлари тикланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Олимларнинг тадқиқотларига қараганда, халқаро туризм савдоси ривожланишининг орасида қуйидаги омиллар таъсир этмоқда:

1. Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий прогресс;
2. Транспорт воситаларининг ривожланиши;
3. Ривожланган давлатларда ишчи ва хизматчилар сонининг кўпайиши ва уларнинг моддий ва маданий савиясининг кўтарилиши;
4. Мехнат интенсификацияси ва мехнаткашлар таътилининг узайиши;

5. Давлатлараро муносабатлар ва маданий алоқалар ривожланиши шахслараро алоқаларнинг минтақа ва минтақалараро миқёсда кенгайиши;

6. Хизматлар соҳасининг ривожланиши;

7. Технология ривожланиши;

8. Чегара тўсиқлари, валюта алмашуви ва четга чиқариш тўсиқларининг камайиши, қоғозбозлик қисқариши.

ЖТТ экспертларининг таъкидлашича, туризмнинг ривожланиш тамойиллари ва мамлакат иқтисодиетининг умумий ҳолати ўтасида яққол узвийлик мавжуд. Саёҳатлар динамикаси иқтисодиётнинг гуллаб-яшнаши ёки таназулга юз тутганлигига жуда сезгирдир. Одатда, нисбий нархлар каби бошқа омиллар доимий бўлса, умумий реал истеъмолнинг ўсиш суръати 1 фоиз бўлганда сафарлар ҳажми ўзгармайди, 2,5% ўсганда сафарлар ҳажми 4 фоиз ўсади, 5 фоиз бўлганда эса сафарлар ҳажми 10 фоиз ўсади. Истеъмолнинг ўсиш суръати 1 фоиздан кам бўлса, сафарлар ҳажми пасаяди. Ушбу нисбатлар турли мамлакатлар учун келтирилган ўтача кўрсаткичлардан фарқ қилиши мумкин. Туризм соҳасида «кўринмас савдо», «кўринали ва кўринмас экспорт ва импорт» каби тушунчалар мавжуд. Кўринали савдо товарлар ва хом аше каби моддий маҳсулотнинг экспорти ва импорти билан боғлиқдир. Бунда кўринали импорт нарҳи ўртасидаги фарқ мамлакатнинг савдо баланси деб аталади. Кўринмас савдо хизматларнинг экспорти ва импорти билан боғлиқдир. Туристик хизматларнинг кўринмас экспортдан даромаднинг асосий қисми келаётган хорижий саёҳатчилар ҳамда қабул қилувчи мамлакатда уларга маҳаллий транспорт учун чипталар ва бошқа хизматни сотишдан келади. Мамлакатнинг кўринмас импорти унинг фуқаролари хорижий сафарларда сарфлаган маблағлари, қабул қилувчи мамлакатда транспорт харажатлари учун тўловлар, шунингдек, туризм соҳасидаги хорижий инвесторларга тўланадиган дивидентлардан иборат. Маҳсулот, товарлар ва хизматларнинг (қабул қилувчи мамлакатга хорижий саёҳатчилар томонидан маҳсулот, товарлар ва хизматлар истеъмоли билан биргаликда) экспорти мамлакат даромадини таъминлайди. Мамлакатнинг сарф-харажатлари бошқа мамлакатлардан маҳсулот, товарлар ва хизматлар импорти учун тўловлардан иборат (мамлакат фуқаролари томонидан хорижий сафарларда маҳсулот, товарлар ва хизматлар истеъмоли билан биргаликда). Мамлакатнинг экспорти келадиган ялпи даромади ҳамда импортнинг ялпи қиймати ўтасидаги фарқ тўлов баланси деб аталади. Тўлов баланси манфий (дефицит) еки ижобий бўлиши мумкин. Катта дефицит юзага келган ҳолларда мамлакат пул ресурсларининг ташқарига кетиши рўй беради. Шунинг учун нафакат кичик мамлакатлар, балки АҚШ, Англия ва Олмония каби саноати ривожланган мамлакатлар ҳам туризмдан келадиган даромадларини кўпайтиришга интиладилар ва бу борада мамлакатга хорижий саёҳатчиларни жалб қилиш мақсадида жиддий чора-тадбирлар кўрадилар. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, қабул қилувчи мамлакатда хорижий саёҳатчиларнинг сарфлаган маблағларнинг хаммаси ҳам ушбу

мамлакат тўлов балансини ўз-ўзидан яхшиламайди. Жаҳон амалиётида туристларни қабул қилувчи томонидан қилинадиган бир қатор сарф-харажатлар мавжуд. Биринчи навбатда буларга меҳмонхона учун қурилиш ва безаш материаллари, меҳмонхона ва ресторан асбоб-ускуналари, ўй жихозлари, спорт ускуналаридан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва эсдалик совгаларгача хорижликлар учун одатий бўлган, лекин мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган буюмлар ва товарлар киради. Шунингдек, хорижий саёҳатчиларни қабул қилишнинг ўсиши сув ва электр қуввати таъминоти, коммунал хўжалик, транспорт, алоқа, хавфсизлик хизматини ўз ичига олувчи маҳаллий инфратизимга ҳам қўшимча юклама ҳосил қилади. Аэропортлар (тайерагохлар), темир йўл вокзаллари, денгиз ёки дарё портлари, меҳмонхоналар, йўллар ва ҳоказоларни кенгайтириш ва ривожлантириш зарурати туғилади, бу катта маблағларни талаб қилади. Одатда, туризм соҳасини ривожланиётган мамлакатларда бу иш хорижий инвесторлар ҳисобига амалга оширилади. Хорижий сармоядорларни жалб этиш ўз навбатида улар томонидан олинган даромаднинг бир қисмини сармоядорнинг мамлакатига қайтариш заруратини туғдиради. Бир қатор мамлакатларда туризмнинг ривожлантиришни хорижий мавсумий ишчиларни жалб этишни талаб қилади ва бу зарурат қўшимча валюта хаажатларини туғдиради ва маҳаллий хизмат кўрсатиш соҳасига қўшимча вазифалар юклайди. Пировард натижада «Туризм» бўлими бўйича мамлакатнинг ижобий ва барқарор тўлов балансини таъминлаш мақсадида давлат учун кирувчи туризмдан келувчи даромадларни унга кетадиган харажатлар, шу жумладан, сармоядор мамлакатга валютани қайтариш, хорижий саёҳатчиларга қулай шароитлар яратиш мақсадида меҳмонхоналар, йўллар аэропортлар, алоқа воситаларини узоқ муддатли қуриш ва ободонлаштириш, хизматчиларни тайёрлаш каби харажатлар билан мувозанатлаштириш муҳим аҳамиятга эга. БМТнинг туризм ва саёҳатлар бўйича анжумани (ЖТТ тавсияларини ҳисобга олган ҳолда) мамлакатнинг халқаро туризм бўйича да

ромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш услубиятини ишлаб чиққан ва қабул қилган.

ЖТТ экспертларнинг прогнозига кўра жаҳон туризм индустрияси саёҳатлар ва сайрларнинг ҳажми доимий равишда ўсиб бориш даврига кирмоқда, бу эса қабул қилувчи минтақалар ва мамлакатлар орасида рақобатнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Бунда таклиф этилаётган саёҳат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига аҳамият берадиган яхши маълумотга эга кўп сонли истеъмолчилар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги кунда ғарбий туризм бозорларида гуруҳлар учун саёҳат хизматларидан фақатгина ёшлар, молиявий имкониятлари чегараланган сайехлар, нафақахўрлар ва зиёратчилар фойдаланилмода. Туризмнинг истиқболлари яқин келажакда туризм соҳасида қўйидаги ривожланиш йўналишларини белгилаш мумкин:

- кабул килувчи мамлакатлардаги туристик (табiiй, маданий ва тарихий) ресурсларнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда янги саёҳат хизматлари ва бозорларни яратиш ва мавжуд хизмат ва бозорларни такомиллаштириш;

- туризм фаолиятини ривожлантириш ва унинг хавфсизлигини таъминлашда маҳаллий жамоатчилик ва ҳокимиятни кенг жалб қилиш;

- туризм ташкилотчилари ва маҳаллий ҳокимият органларининг талабларини яхшироқ тушуниш ва уларни қондириш йўллари қидириш мақсадида улар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш;

- маҳаллий аҳолининг фаровонлигини ошириш, туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган солиқлар, божхона билан боғлиқ ва бошқа қийинчиликларни бартараф этиш; бунда туризм хизматлари учун бошқа қийинчиликларни бартараф этиш; бунда туризм хизматлари учун нархларни саёҳатчилар учун мақбул ва туризм саноати учун манфаатли бўлган даражада ушлаб туришга алоҳида аҳамият бериш лозим;

- сармоя жалб қилиш ва фойдаланиш жараёнида атроф муҳитни муҳофаза қилиш (қурилиш, меъморчилик ва антропоген вазифалар) масалаларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир;

- аниқроқ (пухтароқ) маркетингни амалга ошириш ва хизматларини илгари суриш учун кўпроқ ресурслар ажратиш, саёҳатчиларнинг маълум бир гуруҳларини аниқлаб олиб, улар учун таклиф этилаётган хизматлар тўғрисида махсус маълумотларни қилиш;

- туризм соҳасида машғул хизматчиларнинг профессионал даражасини кўтариш;

- клуб (таймшер-time share) эгалик қилиш тизимини ривожлантириш билан туризм соҳасини ривожлантириш имкониятларини белгилаш мумкин.

Жаҳон туризм бозорининг келажакдаги тараққиёти борган сари энг янги инфор­мацион технологияларнинг ривожланиши билан белгиланмоқда. Дунёда ўз­ўзига хизмат кўрсатишни таклиф қилувчи жойлаштириш воситаларининг кўпайиши каби яна бир замонавий тамойил бўлиб кузатилмоқда ва туризм соҳасини ривожланишига улкан ҳисса қўшмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Sh.I.Mustafokulov. (2017). "The attractiveness of the investment climate." Scientific and practical guide. Baktria Press.Toshkent.. p.-91.

2. M.Amonbaev, M.Azlarova (2018)."Prospects for the development of tourism in Uzbekistan." Risola. Tashkent. "Economy"

3. M.Amonboev. (3 March 2018). "Establishing Stock Market Attractiveness and Investment Infrastructure in Uzbekistan through Effective Implementation of Corporate Governance Mechanisms ". International Journal of Management Science and Business Administration.Volume 4, Issue